

**ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ПОРНОГРАФИК
МАҲСУЛОТНИ ТАЙЁРЛАШ, ОЛИБ КИРИШ, ТАРҚАТИШ, РЕКЛАМА
ҚИЛИШ, НАМОЙИШ ЭТИШ ДОИРАСИДАГИ
ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ МАХСУС ПРОФИЛАКТИКАСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Мустофакулов Бобур Асрор ўғли

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ҳуқуқбузарликлар
профилактикаси фаолияти кафедраси ўқитувчиси, капитан*

Тоштемиров Абдузафар Камолович

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги таълим
Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти ихтисослиги бўйича
таълим олаётган 3-ўқув курси 309-ўқув гуруҳи курсанти*

Аннотация: Ушбу мақолада профилактика инспекторининг порнографик маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш доирасидаги ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси фаолияти тушунчаси ва махсус профилактикани амалга оширишда юзага келаётган муаммо ва камчиликлар ҳамда уларнинг ечимлари юзасидан фикр ва мулоҳазалар ёритилган.

Калит сўзлар: профилактика инспектори, порнографик маҳсулот, махсус профилактика, порнографик маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш.

Аннотация: В данной статье освещены понятие деятельности инспектора по профилактике специальной профилактики правонарушений в сфере изготовления, ввоза, распространения, рекламирования, демонстрации порнографической продукции, а также проблемы и недостатки, возникающие при осуществлении специальной профилактики, и мнения по их решению.

Ключевые слова: инспектор профилактики, порнографическая продукция, специальная профилактика, изготовление порнографической продукции, ввоз, распространение, реклама, демонстрация.

Ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга ошириш ва жиноятчиликка қарши кураш эса бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Жамият ҳар доим ривожланишда бўлганидек, ҳуқуқбузарлик ҳам ривожланиб, мураккаблашиб ва такомиллашиб боради. Шунинг учун ҳам бугунги кунда содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга ошириш ва жиноятларни очиш борасида хизмат олиб бораётган ички ишлар органлари қолаверса барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг

фаолиятини такомиллаштириш давр талабидир. Шунингдек алоҳида таъкидлаш керакки, ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга ошириш, ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларни жазолашдан афзалдир, яъни ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши натижасида фуқаролар, давлат ва жамият ҳам иқтисодий, ҳам маънавий зарар кўради. Ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширишда профилактика инспекторларининг фаолияти муҳим аҳамият касб этади.

Ички ишлар органлари профилактика хизмати тизимида амалга оширилган ислохотлар ҳуқуқбузарликлар профилактикасини самарали ташкил этишда кенг имкониятлар яратиш берди. Ислохотлар жараёнида босқичма-босқич профилактика хизматлари фаолиятининг моддий-техник таъминоти яхшиланди, ушбу соҳага кадрларни тайёрлаш ва етказиб бериш сифати оширилди, профилактика хизмати ходимларининг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояси кучайтирилди ва натижада ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг олдини олишда кўзга кўринарли натижаларга эришилди. Натижада ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш соҳалар бўйича тақсимланди. Бу ўз навбатида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини тўғри ва самарали ташкил этилиши ва амалга оширилиши имкониятини ошириш билан бир қаторда энг самарали усул ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи орган ва муассасаларнинг ҳамкорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади¹.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев: «*Жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш – амалга оширилаётган барча ислохотлар самарадорлигига эришиш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, мамлакатда тинчлик, тотувлик ва барқарор вазиятни таъминлашнинг асосий кафолатидир*»², – деб таъкидлаб, барча ислохотлар энг аввало инсон манфаатларига хизмат қилиш учун қаратилганлигига алоҳида урғу бериб келмоқда.

Порнографик маҳсулот — порнографик асар, шунингдек бадий қимматга эга бўлмаган ва илмий, тиббий ёки ўқув мақсадлари учун мўлжалланмаган, одам жинсий аъзоларининг ёки одам томонидан ҳақиқатда содир этилаётган ёки шунга ўхшатиш ёхуд компьютер технологиялари ёрдамида яратилган жинсий алоқанинг тавсифини ёки фото-, видео тасвирини ёки бошқа тасвирини ўз ичига олган материаллар ва нарсалар³.

¹ Профилактика инспекторларининг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш фаолияти.

² Мирзиёев Ш.М. Демократик ислохотларни изчил давом эттириш, халқимиз учун тинч ва осойишта, муносиб ҳаёт даражасини яратиш – барқарор тараққиёт кафолатидир: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал демократик партиясининг VIII съездидаги маъруза. 2016 йил 2 ноябрь//Халқ сўзи.

³ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодекси <https://lex.uz/docs/111453>.

Ҳуқуқбузарликларнинг махсус (криминоген) объекти сифатида ҳуқуқбузарлик, унинг сабаб ва шароитлари ҳамда ҳуқуқбузар ва ҳуқуқбузарликлар жавбдорланган шахсларни эътироф этиш мумкин. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг махсус объекти умумий объектдан фарқли ўлароқ алоҳида ёндашувни талаб этади. Мисол учун, юқорида биз ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг умумий объекти сифатида шахсларни жамиятга зид йўналишда шаклланишига туртки берувчи сабаб ва шарт-шароитларини келтириб ўтдик, худди шу сабаб ва шароитлардан махсус объект сифатида қараладиган ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шароитлар ўзининг мазмун-моҳияти билан ажралиб туради ва шу сабабли уларга нисба тан олдини олиш чора-тадбирлари ўзига хос тарзда ишлаб чиқирилиши ва амалга оширилиши лозим бўлади. Сабаби, умумий объектни ташкил этган жамиятга зид йўналишда шаклланишига туртки берувчи сабаб ва шарт-шароитлар деганда, шахсга таъсир этувчи ижтимоий салбий омиллар (масалан, вояга етмаганларнинг интернет клубларида порнографик мазмундаги ахлоққа зид фотосурат ёки видео лавҳаларни кўришларига имкон берилиши; оилада ота-онанинг ўз болаларига етарлича тарбия бермаслиги, шунингдек ўқув муассасаларида ҳам таълим-тарбия масалаларининг тўғри ташкил этилмаганлиги натижасида шахсни жамиятда ўрнатилган тартиб-қоида менсимаслиги ёки бўйсунмаслигига ўхшаш салбий оқибатлар келиб чиқиши) тушунилади. Ушбу омиллар натижасида ҳуқуқбузарлик содир этилмаслиги, бироқ ғайриижтимоий ҳуқ-атвор, жумладан маъмурий, оила, фуқаролик, ҳўжалик ҳамда меҳнат фаолияти бўйича ҳуқуқбузарликлар келиб чиқиши мумкин.

Махсус объект саналган ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитлари эса, ижтимоий ҳавфли қилмиш содир этилишига тўғридан-тўғри таъсир этувчи ижтимоий салбий омилларни қамраб олади. Бунга мисол қилиб, муқаддам судланган томонидан хонадон ўғирлигининг содир этилишига имкон берувчи сабаб ва шароит сифатида муқаддам судланганга нисбатан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан етарлича назорат олиб борилмаганлигини, хонадонларнинг қўриқлаш пултиларига уланмаганлиги ёки уй эгалари томонидан хонадонларни қаровсиз ёки эътиборсиз қолдиришлари кабиларни келтириб ўтиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 189-моддасида Порнографик маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш учун жавобгарлик белгиланган.

Порнографик маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида тайёрлаш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, порнографик маҳсулотни реклама қилиш, намойиш этиш, тарқатиш, шу

жумладан оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида реклама қилиш, намоёниш этиш, тарқатиш,

порнографик маҳсулотни, шу жумладан уни тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш ва намоёниш этиш воситаларини мусодара қилиб, фуқароларга базавий ҳисоблаш микдорининг эллик бараваридан тўрт юз бараваригача, мансабдор шахсларга эса — юз бараваридан тўрт юз эллик бараваригача микдорда жарима солишга сабаб бўлади⁴.

Мазкур ҳуқуқбузарликнинг объекти – жамиятдаги ахлоқ қоидалари, нормал жинсий ҳаёт тарзини кўриқловчи ижтимоий муносабат ҳисобланади. Мазкур ҳуқуқбузарлик жамоат тартибига, ахлоқ қоидаларига, ўсмир ёшдагиларнинг онгига салбий таъсир кўрсатиши билан, нормал ҳолатдаги жинсий муносабатлар соҳасидаги порнографик маҳсулотлар туфайли бузилишларга сабабчи бўлиши билан белгиланади. Порнографик маҳсулот деб топишимиз учун унда жинсий ҳаёт қўпол, беҳаё, ноҳўя ҳаракатлар орқали тасвирланган, ёшлар онгида носоғлом жинсий ҳиссиётни шакллантирадиган, инсон онгига тез таъсир кўрсатадиган насрий ва шеърий усулдаги асарлар, кўлёмалар ва кўпайтирилган тасвирлар бўлиши мумкин.

Ҳозирги даврда бундай маҳсулотлар интернет сайтлари орқали ёшлар орасида кенг тарқалиб бормоқда. Аслида инсонлар мушкулларини осонлаштириш, енгилликлар бериш мақсадини кўзловчи мазкур сайтларда эндиликда жамиятнинг ахлоқан бузилишини кўзловчи маҳсулотлар оммалаштирилмоқда. Ҳуқуқбузарликнинг объектив томони – порнографик маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намоёниш этиш мақсадида тайёрлаш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, худди шунингдек уни тарқатиш, реклама қилиш, намоёниш этишда намоён бўлади. Бунда тайёрлаш деганда асар тўлиқ ёки қисман яратилади, яъни порнографик мазмундаги матн тузилиши, расм чизилиши, кино ёки фотосурат олиниши мумкин. Порнографик расмларни суратга олиш, порнографик матнларни аппаратлар орқали кўпайтириш ҳам уни тайёрлаш ҳисобланади. Агар шахс порнографик ашёларни битта шахсга бўлса-да кўрсатган бўлса ёки кўрсатса, қаердан топиши мумкинлигини айтса, мазкур ашёларнинг мазмунини оғзаки, ёзма ёки босма эълонлар орқали маълум қилса ҳам порнографик маҳсулотларни реклама қилиш ҳисобланади. Агар шахс уни тарқатиш мақсадида сақлаб турса ҳам, ҳуқуқбузарликни содир этиш ҳисобланади, шахсий фойдаланиш учун сақланиши эса жавобгарликни келтириб чиқармайди.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. <https://lex.uz/docs/97664>.

Ҳуқуқбузарлик субъекти 16 ёшга етган, ақли расо ҳар қандай жисмоний шахс бўлиши мумкин. Ҳуқуқбузарликнинг субъектив томони – шахс томонидан қасддан содир этилади. Бунда мақсад ва мотив зарурий белги ҳисобланади. Чунки шахс ушбу маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, сақлаб туриш мақсадида тайёрлайди. Унинг қасди жамоат ахлоқий тартибини бузишга, ёшларда носоғлом жинсий ҳиссиётни шакллантиришга қаратилади. Зўравонликни, шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотларни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мазмундаги нарсани мусодара қилиш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси органларининг давлат ижрочилари томонидан ижро этилади. Кодекснинг мазкур моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш жиноят ишлари бўйича судлар томонидан кўриб чиқилади (245-модда)⁵.

Порнографик маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида тайёрлаш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, порнографик маҳсулотни реклама қилиш, намойиш этиш, тарқатиш, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида реклама қилиш, намойиш этиш, тарқатиш,

порнографик маҳсулотни, шу жумладан уни тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш ва намойиш этиш воситаларини мусодара қилиб, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан тўрт юз бараваригача, мансабдор шахсларга эса — юз бараваридан тўрт юз эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 130-моддасида Порнографик маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш учун жавобгарлик белгиланган.

Порнографик маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида тайёрлаш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, худди шунингдек порнографик маҳсулотни реклама қилиш, намойиш этиш, тарқатиш, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида реклама қилиш, намойиш этиш, тарқатиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса —

базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

⁵ Профилактика инспекторларининг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш фаолияти.

Ўша ҳаракатлар:

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, —

уч юз олтмиш соатдан тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Вояга етмаган шахс тавсифланган ёки тасвирланган порнографик маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, худди шунингдек уни тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш ёхуд вояга етмаган шахсни порнографик хусусиятга эга ҳаракатларнинг ижроси сифатида жалб этиш, —беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Хулоса қилиб айтганда, профилактика инспекторининг порнографик маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш доирасидаги ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасини шу турдаги ҳуқуқбузарликлар кўпайса ёки шу турдаги ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар тоифалари кўпайганда ўтказилади. Ушбу турдаги ҳуқуқбузарликлар бўйича махсус профилактика ўтказилганда жамиятда ушбу турдаги ҳуқуқбузарликлар камаяди ва жамоат тартиби ҳавфсизлиги таъминланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Профилактика инспекторларининг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш фаолияти.

2. Мирзиёев Ш.М. Демократик ислохотларни изчил давом эттириш, халқимиз учун тинч ва осойишта, муносиб ҳаёт даражасини яратиш – барқарор тараққиёт кафолатидир: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал демократик партиясининг VIII съездидаги маъруза. 2016 йил 2 ноябрь//Халқ сўзи.

3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодекси <https://lex.uz/docs/111453>.

4. Профилактика инспекторларининг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш фаолияти.

5. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. <https://lex.uz/docs/97664>.

6. o'g'li Mustofaqulov BA, o'g'li Du'smatov S.R. OZODLIGINI CHEKLASHGA HUK ETGAN SHAXSLAR BILAN ISHLASH // New Science Society International Scientific Journal xabarnomasi yangiliklari. – 2024. – V. 1. – Yo‘q. 6. – B. 188-192.

7. ugli G‘ofurov, Asilbek Avaz, va Bobur Asror o‘g‘li Mustofaqulov. “huqinchiyatlar profilaktikasi xizmatida kadrlarni ta’lim olish samarali tizimini

takilish”. xalqaro ilmiy konferensiya” ilmiy ilimlar va innovatsion yondashishlar” . jild. 1. Yo'q. 2. 2024 yil.

8. o'g'li Mustofaqulov, B. A., & o'g'li Du'smatov, S. R. (2024). Ozodlikni cheklashga hukm qilingan shaxslar bilan ishni tashkil etish bo'yicha xorijiy davlatlarning iqtisodiy tajribasi. *New Science Society International Scientific Journal nashri yangiliklari* , 1 (6), 193-200.

9. Mustofaqulov, B. A. O., & Shodmonov, D. E. O. (2025). paftrul posti hizmati va jamoat tartibini saklash bolinmalari bilan ozaro hakorligini takomillastirish. *Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies* , 2 (4), 47-51.

10. Mustofaqulov B. A. O'., Turg'unpo'latov A. A. O'. profilaktika inspektorlarininig faolyati ustidan jamoatchlik, parlament va deputatlik nazorati //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – T. 2. – №. 2-2. – B. 83-87.

11. Мустофақулов Б. А. Ў., Фозилов Х. Х. Ў. ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ МАЪМУРИЙ ҲУДУДДАГИ ҒАЙРИИЖТИМОЙ ХУЛҚ-АТВОРГА ЭГА БЎЛГАН ШАХСЛАР БИЛАН ИШЛАШ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – Т. 2. – №. 5. – С. 32-36.

12. Қадамович Б. Ҳ., Халилов Ж. У. Ў. ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ФИРИБГАРЛИК ЖИНОЯТИНИНГ УМУМИЙ ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – Т. 2. – №. 3. – С. 17-22.